




XASR



IJTIMOIIY-
SIYOSIIY
GAZETA

Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 23-IYUN, PAYSHANBA, 25 (657)-SON

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним,
жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!



Ўзбекистон – Хитой:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ – ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 21 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Кўксарой қароргоҳида 22 июнь куни ХХР Раисини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислам Каримов ва Си Цзиньпин шохсупага кўтарилиди. Ўзбекистон ва Хитойнинг давлат махиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтди.

Ислам Каримов ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги суҳбатида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз Хитой Раисини мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, дўст хитой халқига самимий хурматини изхор этди.

Биз Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг ушбу давлат ташрифини изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлиги тарихида муҳим босқич, томонларнинг ўзаро муносабатлари янада мустаҳкамлашга қатъий интилиши ифодаси, деб биламиз. Бугунги кунда Хитой улкан иқтисодий, инновацион

ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида ҳақли равишда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ўзбекистон Хитой билан стратегик шериклик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорликни юксак баҳолайди ва қадрлайди, деди Ислам Каримов.

ХХР Раиси Ўзбекистонга навбатдаги ташрифидан мамнун эканини билдириб, ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятига хурматим биламиз. 2013 йилда Самарқандни, кеча Бухорони кўриб, Ўзбек халқининг юксак салоҳиятига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Президент Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон барқарор сиёсий ва изчил иқтисодий тараққиётга эришмоқда, халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори муттасил ортмоқда. Ўзбекистон бундан ҳам улкан ютуқларни қўлга киритишига ишонамиз, ўзаро ҳамкорлигимизни кенгайтиришдан манфаатдормиз, деди Си Цзиньпин.

Ўзбек ва хитой халқлари азалдан ўзаро савдо-сотик қилган, бир-бирининг маданиятини бойитган. Бугунги

кунда Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик сиёсат, иқтисодиёт, савдо, sanoat, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият каби барча соҳаларни қамраб олган. Бу алоқалар Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация каби қатор ҳужжатлар асосида изчил тараққий этмоқда.

Ислам Каримов ва Си Цзиньпин мунтазам учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш борасида фикр алмашиб келмоқда. ХХР Раиси 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келган. Президентимиз 2014 йил август ойида давлат ташрифи билан Хитойда бўлди. Ислам Каримов ва Си Цзиньпин 2015 йил сентябрда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига бағишлаб Пекинда ўтган тадбирлар доирасида ҳам учрашдилар.

давом 2-саҳифада



Зўҳридин УЗОҚОВ (ЎАА) олган сурат

Кўшма корхоналар

Андижон шаҳрида фаолият кўрсатётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Lemon international” хорижий корхонада йилига 500 минг дона шим тикилмоқда.

Харидоргир маҳсулотлар

Президентимиз раҳнамолигида хорижий инвесторларни кенг жалб этиш, sanoat корхоналарини модернизациялаш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий қилиш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2015 йил 21 декабрдаги “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

“Lemon international” хорижий корхонасига Андижон шаҳридаги собиқ ип-газлама фабрикасининг фойдаланилмай турган биниси 6 миллиард сўм миқдоридан инвестиция киритиш ва 120 янги иш ўрни яратиш

шарти билан хитойлик тadbirkorларга “ноль” қийматда берилди.

– Зарур инвестиция киритилиб, қисқа муддатда бино тўла реконструкция қилинди, – дейди корхона бош директори Вонг Чао. – Замонавий дастгоҳлар, юқори технологик жиҳозлар ўрнатилди. Шу тариқа 2015 йилнинг октябрь ойида корхона ўз фаолиятини бошлади. Айни пайтда 20 дан ортиқ турдаги сифатли шимлар тайёрланмоқда. Харидорларнинг истаклари ўрганилиб, тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва дизайнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида 100 минг донадан зиёд шим харидорларга етказиб берилди.

Корхонада 120 ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти касб-хунар коллежини битирган ёшлар.

– Уч йилдан бунён шу корхонада ишлайман, – дейди тикув цехи ишчиси Фотима Мақсудова. – Самарали ишлашимиз учун барча шароит яратилган.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

МУНОСАБАТ

Манфаатларимиз муштарак

Расул
КУШЕРБАЕВ,

Олий Мажлис
Қонунийлик
палатасидаги
O'ZLiDeP
фракцияси аъзоси.

Мамлакатимизга расмий ташрифи давом этаётган Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Олий Мажлис Қонунийлик палатасида ўтказган учрашуви замирида ушбу мамлакатнинг мустақил юртимизга нисбатан самимий, дўстона ва ишончли стратегик ҳамкор сифатида қараётганлиги, шу билан бирга халқла-

римиз ўртасидаги асрий муносабатларнинг истиқболини янада жонлантириш мақсади мужассам, десак асло муболага бўлмайди.

Жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида етакчи ўринни эгаллаб келаётган мамлакатнинг Ўзбекистонни ўзининг ишончли шериги, тенглар ичра тенг стратегик ҳамкори сифатида эътироф этиб, ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга интилиши, ҳеч шубҳасиз Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг улкан самарасидир. Бундан англашладикки, мамлакатимизнинг халқаро майдон-

даги обрў-эътибори ва таъсири тобора ортиб бораётир.

Ушбу дўстона учрашув давомида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ва Президентимиз Ислам Каримовнинг икки мамлакат ва халқлар ўртасидаги муносабатларнинг ўтмиши ҳамда истиқболга оид самимий сўзларини диққат билан тинглаб, биз танлаган йўл “Ўзбек модели”нинг нақадар ҳаётий, Ўзбекистонни дунёда тинчликсевар, иқтисодий барқарор, фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган давлат сифатида танилиб, тан олинб боришида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётганини яна бир бор ҳис этдик.

2

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 21 июнда бошлангич валюта операциялари бўйича
бухгалтерия эҳсоби, статистика ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловларни
учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.
*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу
қийматда сотиш ёки олиш мажбуриятини олмайди.

1 Австралия доллари	2187,58	1 АКШ доллари	2938,71	1 Хитой юани	446,73	1 Польша злотийси	759,51	1 ЕВРО	3324,98
1 Англия фунт стерлинги	4297,57	1 Миср фунти	330,94	1 Россия рубли	44,91	1 СДР	4145,58	10 Жанубий Корея вони	25,29
1 Дания крониси	449,55	1 Исландия крониси	23,85	1 Украина гривняси	117,98	1 Туркия лираси	1010,77	10 Япония иенаси	281,08
1 БАА дирҳами	800,11	1 Канада доллари	2289,43	1 Малавия рингити	721,33	1 Швейцария франки	3066,91		

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ – ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

С. Давоми. Бошланғич 1-саҳифада

Икки давлатнинг халқаро ва минтақавий аҳамиятта молик масалалар бўйича позиция ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқиндир. Бу мамлакатларимизнинг ўзаро ва кўп томонлама алоқаларида муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон ва Хитой халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. БМТ, ШХТ сингари халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик кенгайтиб бормоқда.

Музокарада сиёсий мулоқотларни изчил давом эттириш, савдо, sanoat, иқтисодий, энергетика, fan-таълим, маданият каби соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Минтақамизда хавфсизлик ва баркарорликни мустаҳкамлаш, халқаро таҳдид ва хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, техникавий, энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро савдо айланмаси ҳажмини оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқ соҳасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида ҳукуматлараро мажлислар мунтазам ўтказиб келинмоқда. 2011 йилда таъсис этилган Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш, эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим рол ўйнамоқда.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармовий шерик

ларидан. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. 2016 йилнинг дастлабки тўрт ойда товар айирбошлаш ҳажми 1,4 миллиард долларни ташкил этган. Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилган инвестициялари ва кредитлари ҳажми 6,5 миллиард доллардан ошган. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокида ташкил этилган 650 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзаро ҳамкорликда қатор йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2013 йилда ташкил этилган Ўзбекистон – Хитой юқори технологиялар sanoat парки – “Жиззах” махсус индустриал зонаси бунинг ёрқин намунаси. Сирдарё вилоятида филиали бўлган ушбу индустриал зонада мобил телефонлар, тикув машиналари, қурилиш материаллари, қуёш коллекторлари ва бошқа харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Хитойнинг “ПолиТехноложи” компанияси билан ҳамкорликда Ангренда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер лентаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Марказий Осиё – Хитой газ қувурининг тўртта тармоғи ҳам мамлакатимиз орқали ўтиши ёқилиш-энергетика соҳасидаги улкан салоҳият ва ўзаро манфаатдорликдан далолат беради. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиларини ишлаб чиқаришга қўйилган кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида ҳукуматлараро мажлислар мунтазам ўтказиб келинмоқда. 2011 йилда таъсис этилган Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш, эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим рол ўйнамоқда.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармовий шерик

бўйича 20 лойиҳа амалга оширилган. Хитой Давлат тараққиёт банки ва ЭКсимбанки кредитлари эвазига солиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда 40 дан зиёд лойиҳа бажарилган.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик ҳам кенгайтиб бормоқда. Хитойдан Европа давлатларига маҳсулот ташини мамлакатимиз ҳудуди орқали амалга оширилмоқда. Биргина “Навоий” интермодал логистика маркази орқали 2015 йили 1,8 минг тонна юк ташилган.

Мамлакатларимиз ўртасида маданият, fan, таълим, туризм соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. “Ўзбекистон – Хитой” ҳамда “Хитой Халқ Республикаси – Марказий Осиё мамлакатлари” дўстлик жамиятлари бу борадаги алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Fan-техника муассасалари ўртасида илмий ҳамкорлик, олий ўқув юрталари орасида талабалар алмашуви кенгайтирилди. Хитойда ўзбек тили, Ўзбекистонда хитой тили ўргатилмоқда. Тошкент ва Самарқандда Конфуций институти ташкил этилган. Хитой миллилатлар марказий университети ва Пекин хорижий тиллар университетидида ўзбек тилини ўқитиш йўлга қўйилган. Шанхай университети ҳузуридаги ШХТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институти негизда Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилган.

Мамлакатларимизда ўзаро маданий мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилган кино кунлари, бадиий кўргазмалар, фестиваллар ўтказилмоқда. Хитойлик санъаткорлар “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келмоқда. 2015 йилги фестивалда бош соврин – Гран-прини Хитойнинг “Jiangsu Women’s Orchestra” гуруҳи қўлга киритди.

Тошкент ва Шанхай, Самарқанд ва Сиань, Самарқанд вилояти ва Шэньси провинцияси ўртасида биродарлик муносабатлари ўрнатилгани натижасида икки мамлакат ҳудудларининг тўғридан-тўғри алоқалари ривожланмоқда.

Кўксарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Ислам Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг қўшма баёноти имзоладилар. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни хар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтариш мақсади белгиланган.

Шунингдек, икки давлат ҳукуматлари ва идоралари ўртасида техникавий-иқтисодий, инвестициявий, савдо ва нефть-газ соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, интеллектуал мулк ҳуқуқини муҳофаза қилишга оид ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтганини таъкидладилар. Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича томонларнинг позиция ва қарашлари бир хил ёки ўхшаш экани қайд этилди. Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислиги даврида амалга оширилган ишларга юксак баҳо берди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислам Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига таширф буюрдилар. Хитой Раиси ва Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдида нутқ сўзладилар.

Давлат раҳбарлари Мустақиллик майдонига таширф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Си Цзиньпин Мустақиллик майдонининг мезморий ечими, чуқур мазмун-моҳиятига юқори баҳо берди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири

Ишончли дўст ва азалий ҳамкор

Хитой – Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ривожланишининг тарихан энг яхши босқичига чиқди. Ҳамкорликнинг бу тарзда изчил тараққий этиб бориши хар икки мамлакат халқларига бирдек наф келтирмоқда. Давлатларимиз ўртасида ўзаро англашув чуқурлашмоқда, янада мустаҳкамлашиб бораётган дўстлик алоқаларини ўрнатишга бўлган интилиш тобора ошаётир. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган шахсий мулоқотлари бунда муҳим омил бўлмоқда. Олий даражадаги учрашувлар ва таширфлар мунтазам амалга оширилмоқда.

Хусусан, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг юртимизга таширфи доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан ўтказилган учрашуви ҳамкорликнинг янги уфқларини очди: десак, муболага бўлмади. Бинобарин, кечаги мулоқотда алоҳида таъкидланганидек, кейинги йилларда икки давлат ўртасида йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик янги чамма-муҳият касб этмоқда. Очигини айтганда, қадимдан бир-бири билан азалий аёнана асосида яқин бўлган икки давлат ўртасида дўстона муносабатлар муҳити шаклланган. Бу, айниқса, савдо-иқтисодий алоқаларимизда яқол намоён бўлмоқда. Жумладан, 2016 йилнинг дастлабки тўрт ойда товар айирбошлаш ҳажми

1,4 миллиард долларни ташкил этганлиги қувонарлидир. Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилган инвестициялари ва кредитлари ҳажми эса 6,5 миллиард доллардан ошган. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокида ташкил этилган 650 дан зиёд корхона фаолият кўрсатилган ҳамкорликнинг янгидан янги қирралари очилаётганини кўрсатиб турибди.

Ўрни келганда айтиш жоизки, ушбу давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг шу зўлда тараққий этишини О‘зЛиДеП ҳам тўла қўллаб-қувватлайди. Зотан, мамлакатимизнинг ишончли, масъулиятли сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкор сиёсатидаги халқаро мақоми мустаҳкамлаш, мамлакатнинг хориждаги инвестицион, туристик, маданий-тарихий жозибадорлигини кучайтириш, миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларига тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва илгор технологияларни жалб қилиш жараёнини жадаллаштириш учун икки томонлама ва кўп томонлама ўзаро ҳамкорлик механизмларини ишга солиш партиянинг энг муҳим дастурий мақсадларидан биридир.

Шухрат ШАРАФУТДИНОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘зЛиДеП фракцияси аъзоси.

АНГРЕН-ПОП ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛИ – СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАСИ

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да 22 июнь куни Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг йирик ва истиқболли лойиҳаси ижроси – Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари мазкур гоят улкан лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон учун катта ютуқ, муҳим ва унутилмас тарихий воқеа эканини алоҳида таъкидлади.

Қурилиш давомида Ўзбекистон ва Хитой қурувчилари, муҳандислари, мутахассислари аҳил ҳамкорликда меҳнат қилиб, юксак касб маҳоратини намоён этди. Ушбу иншоот энг юксак халқаро нормаларга жавоб беради ва жаҳон амалиётида ноёб лойиҳадир. Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўлининг ишга туширилиши юк ташини бўйича вақт ва маблағ тежаш имконини беради, шунингдек, транзит, ишлаб чиқариш ва инфратузилма салоҳиятини кескин оширади, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилади, деди Президентимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўли тизимида ҳаракатланадиган “Ўзбекистон” йўловчи поездининг Қамчиқ туннелидан ўтишига рухсат берувчи семафорни ёқиб учун махсус тугмани босдилар.

Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан дунё бозорига янги йўллар очиб, мамлакатимизни бошқа минтақалар билан боғлайдиган замонавий транспорт коммуникациялари барпо этиш долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилди. Асосий эътибор янги темир йўллар қуриш, мамлакатимизнинг ягона ва яхлит темир йўли тизimini барпо этишга қаратилди.

Амударё узра автомобиль ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган Навоий-Учкудук-Султон Увайистор-Нукус темир йўлининг барпо этилиши бу борадаги дастлабки қадам бўлди.

Кейинроқ “аср мўъжизаси” дея ном олган ноёб иншоот – Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон темир йўли линияси ишга туширилди. Ушбу бунёдкорлик иншооти

мамлакатимизда ягона миллий темир йўли тизimini яратилишининг навбатдаги муҳим босқичи бўлди.

Темир йўл транспорти барча давлатлар иқтисодиётининг асосий қон томири ҳисобланади. Эътиборлиси, темирйўлчиларимизнинг куч-гайрати билан кейинги йилларда 1 минг 200 километрдан зиёд янги темир йўл тармоғи барпо этилди, 3 минг 800 километрлик йўл модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди, қарийб 1100 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Натижада темир йўлларнинг умумий узунлиги 6 минг 500 километрга етди ва улар мамлакатимизнинг барча минтақаларини қамраб олиш имконига эга бўлди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ташкил этилган даврдан буён юк ташинлар 1,5 баробар, йўловчи ташини 1,3 баробар ўсди. Умуман, 2015 йилда темир йўллар орқали қарийб 82 миллион тонна юк ташилган ва 20,1 миллион йўловчи ўз манзилига етказилгани юртимизда мазкур тармоқнинг салоҳияти ва имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир. Бугунги кунда мамлакатимизда юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг 75 фоиздан ортиги темир йўл транспорти орқали ташилмоқда.

Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг энг муҳим бўғини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб ўрин эгалламоқда. Зеро, мамлакатимиз магистрал темир йўл тармоқлари орқали Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни бирлаштирадиган катта транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига Бунёдкорлик ишларида “China

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида барча соҳалар қатори транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик ҳам юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Хитойда ишлаб чиқарилган энг юқори техник хусусиятлар ва қатор афзалликларга эга, замонавий ва юксак самарали электровоз ва тепловозларнинг мамлакатимизга етказилиши билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ва транспорт соҳасидаги ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг “China Railway Tunnel Group” компанияси ҳамкорлигида бунёд этилган туннель кунини салоҳияти ва имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир. Бугунги кунда мамлакатимизда юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг 75 фоиздан ортиги темир йўл транспорти орқали ташилмоқда.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ва транспорт соҳасидаги ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг “China Railway Tunnel Group” компанияси ҳамкорлигида бунёд этилган туннель кунини салоҳияти ва имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир. Бугунги кунда мамлакатимизда юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг 75 фоиздан ортиги темир йўл транспорти орқали ташилмоқда.

Railway Tunnel Group” компаниясининг миндан зиёд ишчи-мутахассислари, уч миндан зиёд темирйўлчиларимиз, уч юздан ортиқ электромонтажчи иштирок этди. Мохир қурувчилар 32 ой мобайнида мураккаб табиий шароитларда – ёз ҳазирмасида ҳам, қишнинг қаҳратонида ҳам ишни бир меъёрга олиб борди. Бу ўз самарасини берди.

Узунлиги 123,1 километр бўлган Ангрэн-Поп темир йўлининг Қамчиқ довоиндан ўтган қисмида 19,2 километрлик туннель очилди. Туннелдан ташқари бу ерда 43 миллион куб метр тупроқ, 16,3 миллион куб метр бургулаш, портлатиш ишлари бажарилди. Шунингдек, 285 сунъий иншоот ва сув ўтказиш қурувлари, умумий узунлиги 2,1 километр, ўртача бандлиги 25 метрлик 15 темир йўл кўприги ва 6 йўл ўтказгич барпо этилди. 4 станция, 4 разъезд ва 2 вокзал қуриб битказилди, 2 ним тортиш станцияси қурилди. Умумий қиймати қарийб 1,1 миллиард 635 миллион долларлик маблағга тенг бўлган мазкур улкан лойиҳа доирасида темирйўлчилар учун ўнга яқин турар жой бинолари барпо этилди.

Темир йўл қурилиши соҳасида узок йиллардан бери ишлаб келаётганим боис Ўзбекистоннинг бу борадаги салоҳияти ҳақида кўп ашитганман, – дейди “China Railway Tunnel Group” қурилиш компанияси масъул ходими Ху Зенг Пинг. – Қурилиши ниҳоясига етган мазкур темир йўл Ўзбекистон иқтисодиёти учун нечоғли аҳамиятли эканини таърифлаш қийин. Темир йўл борган жойда ўсиш, ривожланиш бўлади. Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли нақадар тўғри экани ҳаётда ўз исботини

топмоқда. Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўли мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлигининг асоси бўлишига алоҳида аҳамият касб этади. Буни мутахассисларнинг қўйидаги таҳлиллари ҳам тасдиқлайди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур темир йўл орқали шу йилнинг ўзига 600 минг йўловчига хизмат кўрсатиш мумкин. Қурилиш даврида 4 минг киши иш билан таъминланган бўлса, темир йўлдан доимий фойдаланила бошлагач, яна 1,5 минг янги иш ўрни яратилади.

Бундан 25-30 йил илгари бу ерлардан темир йўл ўтади, деса биров ишонмасди. Боиси, Қамчиқ довоининг улкан қоялари, чуқур жарликлари, пасту баланд адирлари узра поезд қатновини йўлга қўйиш ақлга сизмас иш эди-да, – дейди Тошкент вилояти Паркент туманида истиқомат қилувчи 79 ёшли меҳнат фахрийси Солиддин Салоҳидинов.

Бунёдкор халқимизнинг азму шижоати, Президентимизнинг узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқил сиёсати ва ташаббуси билан бундай ҳаёларга ҳақиқатга айналди. Мустақиллик даври кишиларининг ўткир эҳси, собит ҳаёлати, қатъий хоҳиш-ирода-си ва меҳнатсеварлиги эвазига халқимизнинг яна бир орузи ушланди.

Мазкур йўл иқтисодий тараққиётнинг белгиси бўлиши қурилиш ва sanoat, транспорт ва алоқа, хизмат соҳаларини ривожлантиришга, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, умуман, янги-янги маданий ўчоқлар очилишига, ҳаётни жонлантиришга, унинг суръатларини тезлаштиришга мустаҳкам замин яратади, – дейди Ангрэн-Поп

ишанман. Ушанда давлатимиз раҳбари бир янгиликка эътиборимизни қаратди: Ангрэн-Поп йўналишида электрлаштирилган темир йўл қурилиши мўлжалламоқдамиз. Фаргона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл орқали боғлаш масаласини эътибордан четда қолдиришга ҳақимиз йўқ. Насиб этса, 2016 йилда ана шу темир йўл қуриб битказилиши билан водийга, жумладан, Андижонга поезд билан бемалол қатнаш имконига эга бўламиз, деди Президентимиз қатъий ишонч билан. Ушанда давлатимиз раҳбарининг бу гапи наинки Андижон, бутун водий аҳлининг юксак олқишига сазовор бўлганди. Бугун ана шу гапларнинг амалдаги исботи, тарихий воқеанинг гувоҳи бўлаётганимиздан беҳад бахтиёримиз.

Маросимда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг улкан самараси, халқларимиз ўртасидаги яқин дўстликнинг яна бир ёрқин намунаси эканини таъкидлади.

Хитой ва Ўзбекистон аҳил қўшини, яқин дўст ва ишончли ҳамкор, мамлакатларимиз ўзаро муносабатлардаги самимият руҳини юксак қадрлайди. Келгусида биргаликда халқларимиз манфаатларига хизмат қилувчи янада катта ютуқларга эришамиз. Хитой ва Ўзбекистоннинг ҳамкорлик йўллари янада кенг ва порлоқ бўлишига ишонамиз, деди Си Цзиньпин.

Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўли қурилишидек улкан ва гоят муҳим лойиҳанинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, транзит ва сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш ва темир йўл тармоғини янада ривожлантиришга ҳамда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги серкира, стратегик муносабатларни тобора юқори босқичга кўтаришга ва муттасил ривожлантиришга хизмат қилади.

Ирода УМАРОВА,
Бекзод ХИДОЯТОВ,
ЎзА мухбирлари

Дастурий мақсадлар – муваффақиятлар асоси

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларида О'зЛиДеРнинг жами 123 нафар депутати фаолият кўрсатапти. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, улар зиммасига жиддий вазифалар юкланган.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзоларининг 2016 йил биринчи чоракдаги фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, улар томонидан турли идораларнинг мансабдор шахсларига сайловчилар мурожаатлари асосида 27 та депутатлик сўрови юборилиб, барчасига аниқ жавоблар олишга эришилганини кўришимиз мумкин. Депутатлар ташаббуси билан шу даврда 6 мартаба оммавий ахборот воситаларида давра суҳбатлари, очик мулоқотлар ташкил қилинди. Шунингдек, 103 та ортик семинар-тренинг ва бошқа тадбирларда улар ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан эса 24 та эшитув ўтказилиб, сессияларга 4 та таклиф киритилган. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари аъзолари томонидан турли масалаларга доир 99 та сўров юборилган. Жумладан, Халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳининг фаолияти тўғрисида ҳам ижобий фикрлар билдириш мумкин. Масалан, яқинда йирик корхоналар ва хусусий сектор ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Боевут туман ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш, депутатларнинг қонуний ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатиши ва уларни қабул қилиш бўйича фаолиятини принципал жиҳатдан қайта кўриб чиқиш лозимлиги тўғрисида сўз борди. Шунингдек, мавжуд имкониятларни чуқур таҳлил этиш, бошланғич партия ташкилотларидан тортиб, Сисёй Кенгашига бўлган барча партия органлари, давлат ҳокимияти вакиллик органларига партиядан сайланган депутатларнинг Сайловдаги дастурида белгиланган вазифаларни бажариш борасидаги масъулиятини ошириш хусусида фикр юритилди. Таъкидлангандай, депутатларнинг сайловчилар билан иш олиб боришини тубдан яхшилаш, давлат бюджетини шакллантириш ва мамлакатимизнинг ушбу муҳим ҳужжати ижросини назорат қилишнинг замонавий усулларини жорий этиш муҳим вазифалардан биридир. Шу боис депутатлар Сайловдаги платформасида белгиланган вазифаларни бажаришга қаттиқ бел боғлаши, берилган ваколатлардан, партиявий воситалардан унумли фойдаланишлари зарур. Бинобарин, Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган 18, туман ва шаҳарлар Кенгашларига сайланган 105 нафар депутат ҳамда 470 тадан ортик бошланғич партия ташкилотининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Семинар-тренинга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзоси Д. Ҳасанов, вилоят ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Х. Эргашев, ФЖШМҚМИ худудий бўлими вакили О. Жўраев, О'зЛиДеР Сирдарё вилоят Кенгаши ҳузуридаги Сисёй таълим маркази раҳбари Д. Тўрақуллов ва бошқаларнинг маърузалари тингланди. Чикишлар мазмун-моҳиятини мухтасар тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин:

Биринчидан, депутат ўзи сайланган округдаги вазият, аҳолининг кайфияти, округни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир камчиликлар, ечимини кутаётган масалалар ва тўлиқ фойдаланилмаётган имкониятларни чуқур ўрганиб чиқиб, улар бўйича аниқ тавсаввурга эга бўлиши керак.

Иккинчидан, депутат ҳудудлардаги муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал этиш чораларини кўришда партиянинг депутатлик гуруҳи ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари орқали партиянинг электорати манфаати, яъни, мулкдорлар қатлами, кичик бизнес вакиллари, тадбиркорлар ва ишбилармонлар, фермерларнинг фаолиятига ҳам тўхталиб ўтилди. Шунингдек, 2016 йил апрель ойида кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун асосида "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонунга киритилган қўшимчалар моҳияти ҳақида маълумот берилди. Бундан келиб чиқадиган вазифалар ижроси юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Комиссия аъзолари ўтказиладиган навбатдаги танловларни кўриб чиқиб, тасдиқлади. Бу жараёнда аҳолининг фаолиятини ошириш, фуқаролик жамияти институтларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда мустақил йилларида ҳаётнинг турли жабҳаларида эришилган ютуқларни тарғиб қилишга қаратилган лойиҳалар қўллаб-қувватланиши таъкидланди. Тадбир якунида Парламент комиссиясига дахлдор бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ҳамда журналистларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб қайтарилди.



нинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар ечимини топишда фаоллик кўрсатиши зарур бўлади. Учинчидан, депутат худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бевосита дахлдор бўлган муаммоларни маҳаллий Кенгаш регламентига мувофиқ сессиялар муҳокамасига киритиши лозим. Бундай масалалар бўйича у даставвал маҳаллий ҳокимлик, тегишли корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Депутатлик сўровига 10 кун муддат ичида жавоб хати олинганидан сўнг худудий депутатлик гуруҳи томонидан бошқарма, ташкилот раҳбари ёки раҳбар ўринбосарининг ахбороти эшитилди. Эшитишда кўтарилган масала депутатлар томонидан муҳокама этилиб, ўтказилган йилнинг тўғрисидаги баённома тайёрланди. "Депутат томошабин эмас, кузатувчи эмас, депутат – бу халқдан чиққан, халқнинг дарди билан яшайдиган инсон. Агар у эл-юрти деб ташвиш чекадиган бўлса, шу максатда фидойилик кўрсатадиган бўлса, мана шундай одамни мен депутат дейман".

Президентимизнинг ушбу сўзлари ҳар бир депутатнинг юрак тўридан жой олиши керак, – дейди О'зЛиДеР Сирдарё вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ш. Бозорбоева. – Орамизда ана шундай таърифга муносиб бўлишга, партиявий топшириқларни ўз ўрнида адо этишга, сайловчилар ишончини оқлашга ҳаракат қилаётган депутатларнинг кўпи.

О'зЛиДеР Халқ депутатлари вилоят, туман

ва шаҳар Кенгашларига партиядан сайланган депутатларнинг худудларни социал-иқтисодий ривожлантиришдаги амалий иштироки, партия электорати манфаатларини ифода этадиган қонунлар ижроси устидан депутатлик назоратини олиб бориш бўйича фаолиятини принципал жиҳатдан танқидий қайта кўриб чиқиш талабини қўймоқда. Ана шу талабдан келиб чиқиб, вилоятдаги ишлар таҳлил этилганда, юборилган депутатлик сўровларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг йўлидаги тўсиқ ва говларни бартараф этиш каби муҳим масалаларга нисбатан кам, ижтимоий ва маиший муаммоларни ҳал этишга кўпроқ эътибор қаратилгани аниқланди. Шу билан бирга туман ва шаҳар кенгашлари томонидан ўтказилган эшитувларда муҳокама этилган масалалар юзасидан депутатлик гуруҳининг аниқ позициясини баён этадиган амалий таклифлар ишлаб чиқилмаган. Эшитувларнинг айримлари шунчаки расмийлик тусини олгани ачинарлидир.

Сайловдан кейинги даврда Халқ депутатлари вилоят Кенгашида 2 та, туман ва шаҳар Кенгашларида 7 та депутатлик ўринлари бўшган. Вилоят Кенгашидаги 1 та ва туманлар Кенгашларидаги жойларнинг 2 таси илгари О'зЛиДеР ўринлари бўлган. Хусусан, **Ховос тумани Кенгашидаги 4 та** сайлов округида бўш ўринларга сайлов ўтказилди. Унинг натижаларига кўра **туман Кенгаши депутатлигини О'зЛиДеР дан кўрсатилган номзодларнинг тўрттаси ҳам ютказган.**

Бу каби ҳолатлар айрим ҳудудларда партиявий фаолиятнинг талаб даражасида эмаслигини кўрсатади. Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 10 мартда қабул қилинган, Сенат 2016 йил 31 мартда маълум қилган "Парламент назорати тўғрисида"ги **Ўзбекистон Республикаси Қонуни** кучга кирди. Ушбу Қонун асосида парламент назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатлар тартибга солиниб, унда парламент назоратининг субъектлари ва объекти, парламент назоратининг шакллари, муҳим вазифалар аниқ белгилаб қўйилди.

Қонун парламент, унинг қўмиталари ва комиссиялари, Сисёй партиялар фракцияла-



ри, депутатлар, сенаторлар томонидан назорат олиб борилишини назарда тутса-да, **Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиянинг депутатлик гуруҳларининг ушбу қонун талабларидан келиб чиқадиган вазифалари, партиянинг парламентдаги фракциясининг маҳаллий депутатларининг билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш устидан янада жиддийроқ ишлашимиз лозим.**

О'зЛиДеР Сурхондарё вилоят Кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлини маси ҳамкорлигида "Партиянинг дастурий мақсадлари ва электорат манфаатлари ҳамда худудларнинг ривожланиш дастуридан келиб чиқиб, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи вакиллари, партия туман кенгашлари раҳбарлари, вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари ҳамда партия фаоллари иштирок этишди.

Назорат кучаймоқда

Тадбирда Сисёй партия гуруҳларининг жойларда қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари ижроси юзасидан депутатлик назоратини амалга ошириш бўйича мустаҳкамланган ҳуқуқ ва ваколатлари, депутатлик назоратини олиб бориш методикаси, депутатлик назоратининг фуқаролик жамияти институтлари томонидан олиб бориладиган жамоатчилик назорати билан ҳамкорлигини таъминлаш, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ўз сайлов округларидаги сайловчилар мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалалар атрафлича муҳокама этилди.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят, туман (шаҳар) Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан 2015 йилда жами 144 та депутатлик сўрови йўланган. Вилоят Кенгаши депутатлари томонидан 67 та сўров юборилган бўлиб, 32 таси ижобий ҳал этилган. Туман (шаҳар) кенгаши депутатлари томонидан эса 77 та депутатлик сўрови амалга оширилиб, 35 таси ижобий ҳал этилган. Халқ депутатлари О'зЛиДеР Сурхондарё вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлик гуруҳлари мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш бўйича 82 та йиғилиш ўтказган. Вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳи томонидан уч нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилди. Йил давомида фақатгина Халқ депутатлари Денов ва Узун тумани Кенгашидаги партиядан сайланган депутатлар сессия муҳокамасига ўз таклифларини киритишган.

Семинар-тренинга кўтарилган энг муҳим мавзулардан яна бири Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзоларининг ўз сайлов округларидаги фаолиятини кўриб чиқиш ҳамда мазкур фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган услубий тавсияларни ишлаб чиқиш бўлди. Ушбу мавзу доирасида маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳларининг ўз сайлов округларидаги электоратнинг доимий ижтимоий эҳтиёжлари ва манфаатларини аниқлаш ҳамда уларнинг қунаралик ҳаётда юзага келадиган ижтимоий муаммоларини ечишга қўмақлаштиришда ролини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

– Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиянинг депутатлик гуруҳлари ўз олдига бир қатор жиддий вазифаларни қўйиши, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси О. Ҳидиров. – Жумладан, депутатларнинг оммавий ахборот воситаларида чикишларини тизимли йўлга қўйиш, жойларда очилган депутатлар қабулхоналарини ва сайловчилар қабулларини ташкил этишда тизимликка эришишга келишиб олинди.

Гулмира АМИРОВА, Сисёй таълим маркази раҳбари

ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИНING НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг галдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Ақбар МУЗАФФАРОВ

Комиссия аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини янада кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётгани таъкидланди. Хусусан, Концепция асосида ўтган давр мобайнида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида", "Экологик назорат тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Қайд этилганидек, фуқаролик жамия-

ти институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани улар фаолиятини кенгайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Мисол учун Парламент ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан кейинги етти йил мобайнида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш мақсадлари учун 47,7 миллиард сўм ажратилган.

Йиғилишда ижтимоий шерикликнинг жойлардаги ҳолати, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоатчилик комиссиялари

фаолиятига ҳам тўхталиб ўтилди. Шунингдек, 2016 йил апрель ойида кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун асосида "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонунга киритилган қўшимчалар моҳияти ҳақида маълумот берилди. Бундан келиб чиқадиган вазифалар ижроси юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Комиссия аъзолари ўтказиладиган навбатдаги танловларни кўриб чиқиб, тасдиқлади. Бу жараёнда аҳолининг фаолиятини ошириш, фуқаролик жамияти институтларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда мустақил йилларида ҳаётнинг турли жабҳаларида эришилган ютуқларни тарғиб қилишга қаратилган лойиҳалар қўллаб-қувватланиши таъкидланди.

Тадбир якунида Парламент комиссиясига дахлдор бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ҳамда журналистларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб қайтарилди.

НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР МУҲОКАМАСИ

Андижонда "Мустақиллик: парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг назарий-ҳуқуқий асослари" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди

Эльмира РАҲМОНОВА, "XXI asr" мухбири

Унда Олий Мажлис палаталари вакиллари, Халқ депутатлари Андижон вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари, вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, прокуратура, ички ишлар, адлия бошқармалари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Сисёй партиялар фаоллари, демократик институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маълумки, ҳокимиятлар ўрта-сидда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарали ишлашида парла-

ментнинг муҳим роль уйнайди. Бунда эса унинг нафақат қонун ижодкорлиги, балки давлат органлари фаолияти устидан назорат олиб бориш билан боғлиқ функцияси ҳам аҳамиятга молик.

Бугунги кунда Олий Мажлисининг парламент назоратини олиб бориш бўйича фаолиятини такомиллаштиришга ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг парламент олдидаги масъулиятини кучайтириш учун қўшимча механизмларни яратишга қаратилган махсус қонун қабул қилинди. Яъни, парламент назоратининг субъектлари, объекти, шакллари ва бошқа муҳим жиҳатларини белгилаб берувчи "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни жорий йилнинг 12 апрелидан кучга кирди.

Қонунда парламент назоратининг замонавий шакллари билан бири сифатида қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонунонти ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторинг юритиш ҳамда парламент текширувлари ўз аксини топганлиги йиғилишда алоҳида қайд этилди.

Семинарда, шунингдек, мамлакатимизда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари, ушбу ҳақда тўпланган миллий ва хорижий тажриба муҳокама қилинди. Тадбир иштирокчилари "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасининг асосий қондалари билан таништирилди.

25 Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним,
жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Ишбилармон талаба

Бугуннинг ёшлари бошқача

Худди шундай таърифни деярли ҳар куни юртдошларимиздан эшитамиз. Хўш, "Истиқлол фарзандлари" деган юсак номни уларнинг ўзлари қай даражада оқлашяпти?

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири



Саидикром Махсумов коллежда ўқиб юрган кезларида тикувчилик билан шуғулланган, маҳорат бобида унга тенг келадигани кам эди. Шу боис маҳалладошлари ҳам бу абжир йигитнинг беминнат хизматига тан берарди. Лекин мустақил фаолият юритиши учун шароит етарли эмасди. Ниҳоят O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан ўтказилган "Ишбилармон талаба" кўрик-танловига қатнашиб, голибликни қўлга киритган, молиявий кўмак олишга эришди. Коллежни битиргач, тикувчилик цехи очиб, 5 нафар қизни иш билан таъминлади. Бундан уч йил муқаддам эса тиниб-тинчимас йигит "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичида "Энг ёш хўнарманд" номинацияси бўйича голиб деб топилди.

Дарҳақиқат, мазкур танлов ҳар йили Қашқадарёда юзлаб янги-янги истеъоддорларни кашф этади, кўплаб ёшлар бандлиги таъминланади. Бу ўзига хос синовининг жорий йилдаги шаҳар ва туман босқичларида 500 нафарга яқин йигит-қиз қатнашиб, ўз билим ва тадбиркорлик қобилиятларини намойён этишди.

Бир пайтлар ўзимизнинг Қожор қишлоғида ўтадиган тўй-томоша, маросимларга Қарши шаҳридан торт ва пишириқлар келтирилари, – дейди Қарши тиббиёт коллежи ўқувчиси Дилнавоз Маматова. – Мен бу борада қишлоқдошларимнинг узогини яқин, оғирини енгил қилишга аҳд қилдим.

Кичик қандолат цехи ташкил этиб, тўрт нафар дугонани иш билан таъминладим. Бўш вақтларимда тадбиркорлик билан шуғулланаман. Очигини айтсам, юртимиз равнақида қўлимдан келгунича хисса қўшсам дейман.

Хушвақт касб-хўнар коллежи ўқувчиси Нарзулла Гулмуродов ҳам ёшларидан дурадгорлик билан шуғулланиб келади. Юқорида биз тилга олган танловнинг Қарши туман босқичида у ясаган эшиклар мутахассислар томонидан яхши баҳоланди. Ёш хўнарманд бир неча миқозлар билан шартнома қилишга ҳам эришди. Нарзулланинг фикрича, тузилган шартномалар тўлиқ бажарилса, ишловчилар сони 10 нафарга етади. Яна бир эътиборли томони, чўл туманларида тахтадан ясалган эшик-ромларнинг харидори бисёр.

Шунингдек, мубораклик Фаррух Кенжаев, Достон Қувватовлар ўзлари яратган веб-сайтлар ҳақида ҳайъат аъзоларига батафсил маълумот беришди.

Танловлар давомида ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларнинг ижтимоий-сийёсий фаоллигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга эътибор қаратиш хусусида сўз юритилди. Йигит-қизларнинг инновацион лойиҳа ва ташаббусларини амалиётга жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

O'zLiDeP томонидан таъсис этилган бу танлов ёшларни тадбиркорликка йўналтириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашда яқиндан кўмак бўлмоқда, – дейди Марказий банк вилоят Бош бекшармаси кредит бўлими бошлиғи Бекзод Мўминов. – Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида

ана шундай ташаббускор, изланувчан касб-хўнар коллежлари битирувчиларига молиявий муассасаларимиз томонидан 6 млрд. 822 млн сўм кредит ажратилди. Натижада эликдан ортиқ замонавий лойиҳа амалга оширилиб, пировардида 336 та янги иш ўрни яратилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тадбирларда сўзга чиққанлар ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш орқали жамиятда ўз ўрнини топиши, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.


Касб-хўнар коллежи битирувчиларига корхона, ташкилотларда амалиётни ўташи учун етарли шарт-шароит яратиб бериш, устоз-шоғирд анъанасини йўлга қўйиш борасида биз ишлаб чиққан амалий таклифлар бандлиги таъминлашда яқиндан ёрдам бермоқда, – дейди O'zLiDeP вилоят ташкилоти Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Баҳодир Юсупов. – Туманларда бўлиб ўтган амалий семинарларимизга тадбиркор ва фермерларни таклиф этдик, улар ўзларининг меҳнат фаолиятида эришган ютуқлари, йўл қўйган камчиликлари ҳақида ҳам гапириб беришди.

Кўрик-танловнинг яқиний босқичига кўра, 48 нафар иқтисодий ёш вилоят босқичида қатнашиш учун саралаб олинди.

Воҳада ёшларни тадбиркорликка йўналтириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда мазкур танлов тажриба мактабини уялти. Китобда цитрус мевалар, Миришкорда чорвачилик, Касбида қандолатчилик, Яккабоғда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишида янги лойиҳаларни амалга ошираётган ёшлар айнан мана шу танлов қатнашчилари эканликлари бунинг яққол далилидир.

"АЁЛЛАР ҚАНОТИ"

хабарлари



Тадбиркорларга қулайликлар

Кораўзак ва Қўнғирот туманларида "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки, O'zLiDeP ва хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда семинар ташкил этилди. Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, касб-хўнар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда банк хизматидан фойдаланишни янада кенгайтириш каби масалалар муҳокама марказида бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Семинар давомида Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Тадбир давомида банк вакиллари жорий йилда хотин-қизлар ва ёшларга ажратиладиган кредитлар ҳақида батафсил маълумот беришди.

Соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!



O'zLiDeP Қонлиқўл туман Кенгаши томонидан ўғил ва қиз болалар ўртасида спортнинг кураш тури бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни спортга жалб этишдир.

Давлатимиз томонидан ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етук авлод бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар яратилган, – дейди O'zLiDeP Қонлиқўл туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Олтиной Бабажанова. – Янги замонавий иншоотларнинг барпо этилиши, спорт залларининг янги жиҳозлар билан таъминланиши, фарзандларимизнинг кенг ва ёруғ хоналарда таҳсил олиши ҳам истиқлолимиз шарофатидир. Фахр билан айтишим мумкинки, эркин кураш тури бўйича мусобақада қатнашган қизларимиз ўғил болалардан кам эмаслигини, эпчил ва чаққонлигини намойён этишди.

Тадбир сўнггида голиблар диплом ва совғалар билан тақдирланди.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Матбуот хизмати

Коллеждан бизнес сари

Комилжон ФАЙЗИЕВ,
"XXI asr" мухбири

Косонсой педагогика коллежида O'zLiDePнинг "Диплом билан – бизнесга" лойиҳаси доирасида ўқув-семинар уюштирилди. Ҳамкор ташкилотлар, "Халк банки", "Микрокредитбанк", "Агробанк" вакиллари ва коллеж битирувчилари иштирок этган тадбирда истеъодли ёшлар ўз бизнес лойиҳалари билан иштирок этишди.

Туман ҳокимлиги хузуридаги "Ягона дарча" маркази раҳбари К. Мираҳмедов сўзга чиқиб, Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларига

"Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида ташкил этилган ушбу марказда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, лицензия бериш бўйича яратилган қулайлик ва имкониятлар ҳақида сўзлади.

Аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаси очиб, ўз бизнес фаолиятини йўлга қўймоқчиман, – дейди Косонсой технологиялар ва иқтисод коллежи

битирувчиси Баҳриддин Тожибоев. – Банктан имтиёзли кредит олиб, бу маблағдан унумли фойдаланиш ва самарадорликка эришиш асосий мақсадим. Бизнес лойиҳам маълум деб топилганидан хурсандман. Билдирилган ишонччи оқлашга ҳаракат қиламан.

Ўқув-семинар якунида 10 та бизнес лойиҳа маълум топилиб, ўқувчиларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитларни олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Ғолиблар – кейинги босқичга

O'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши томонидан Оҳангарон тумани марказий истироҳат боғида Истиқлолимизнинг 25 йиллигига бағишланган, ёшлар онги ва қалбида Ватанга муҳаббат, садоқат каби туйғуларни синдириш, уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга қаратилган "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган бош ғояни ўзида мужассам этган тадбирлар – "Мустақилликка менинг хиссам" шiori остида ёшлар форуми ва "Ишбилармон талаба – 2016" стипендияси кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Тадбирларда партияимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, O'zLiDeP "Ёшлар қаноти" фаоллари, тадбиркор ва фермерлар, мазкур танловнинг вилоят босқичига йўланма олган ёшлар иштирок этишди. Тадбирда сўз олганлар давлатимиз томонидан юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинаётганини, жумладан, эртаимиз эгаларининг соғлом бўлиб вояга етишлари учун барча ҳудудларда замонавий спорт иншоотлари барпо этилаётганлигини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, истиқлол биз учун чексиз имкониятлар ашигини очди. Унинг қадр-қимматини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Айниқса, мустақиллик тенгдошлари бўлмиш ёшларимизнинг қатор қувончли ютуқларни қўлга киритишга эътиборга лойиқдир. Буни партия томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ишбилармон талаба – 2016" лойиҳаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти

тига қизиқишини кучайтириш, уларга ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш мақсадида ташкил этилаётган танловнинг биргина жорий йилги туман (шаҳар) босқичларида 1500 дан ортиқ ўқувчи иштирок этиб, улардан 54 нафари вилоят босқичига йўланма олган эди.

Танлов иштирокчилари дурадгорлик, тикувчилик, тўқувчилик, хўнармандчилик, пазандачилик каби йўналишларда ўзлари тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмасини намойиш этиш билан бирга "Инновацион лойиҳа" бўйича нашрдан чиқарилган китоб ва чизган суратларини танлов иштирокчилари ва ҳакамлар ҳайъатига тақдим этишди.

Мен ўқшдан бўш вақтимда тўқувчилик билан шуғулланаман, – дейди Бўка агросаноат ва транспорт касб-хўнар коллежи ўқувчиси Д. Хусанбоева. – Ундан ортиқ тенгдошимга ушбу касб сирларини баҳоли қудрат ўргатишга ҳаракат қиламан. Айни пайтда биз кийим-кечаклар тўқиш билан бирга, турли юмшоқ ўйинчоқлар ясаши ҳам ўрганаёلمиз. Танловда иштирок этиб, оилавий корхона очиб,

бизнес-режа тузиш, тижорат банкдан имтиёзли кредит олиш бўйича қўшимча маълумотларга эга бўлдим ва келажакда ўз бизнесини йўлга қўйиб, бежирим ўйинчоқ ва тўқимачилик либослари ишлаб чиқарадиган тўқувчилик корхонаси ташкил этишни мақсад қилдим.

Танлов натижаларига кўра Байтқўргон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хўнар коллежи ўқувчиси Шаҳзод Худойназаров биринчи, Бўка маънавий хизмат кўрсатиш касб-хўнар коллежи ўқувчиси Нарғиза Эгамқуллова иккинчи ҳамда Оҳангарон политехника касб-хўнар коллежи ўқувчиси Фотима

Бойсафарова учинчи ўринга лойиқ деб топилиб, улар танловнинг махсус стипендиясини қўлга киритишди. Энди голиблар танловнинг республика босқичида беллашишди.

Кўтаринки руҳда ўтган ёшлар форуми ва кўрик-танлов ёш ижодкорлар иштирокида истиқлолни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлардан иборат концерт дастурига улашиб кетди.

Ғолибларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

O'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши Матбуот хизмати



Совриндорлар аниқланди

O'zLiDeP Марғилон шаҳар Кенгаши томонидан "Ишбилармон талаба – 2016" кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Бундан кўзланган асосий мақсад – ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кучайтириш, ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш, уларнинг мамлакатимиз келажаги йўлидаги интилиши, изланишлари, жамоат ишларидаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Танлов 11 та касб-хўнар коллежи ва битта академик лицей гуруҳлари ўртасида ўтказилиб, улардан энг муносиблари, яъни 14 нафари саралаб олинди. Қатнашчилар тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмалари, замонавий ахборот ва компьютер технологиялари ҳамда интернет хизматидан фойдаланиш борасидаги билимлари, аъло ўқиши, намунали хулқи, етакчилик қобилияти, миллий ва либерал-демократик ғояларни қай даражада ўзлаштирганликлари каби йўналишлар бўйича синовдан ўтказилди.

Тоша жундан турли рангли брелоклар, аёллар буйинбоғлари

ишлаб чиқариш" лойиҳаси билан Миллий хўнармандчилик касб-хўнар коллежи ўқувчиси Шаҳноза Мусахоннова биринчи, "Атлас, 14 нафари саралаб олинди. Қатнашчилар тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмалари, замонавий ахборот ва компьютер технологиялари ҳамда интернет хизматидан фойдаланиш борасидаги билимлари, аъло ўқиши, намунали хулқи, етакчилик қобилияти, миллий ва либерал-демократик ғояларни қай даражада ўзлаштирганликлари каби йўналишлар бўйича синовдан ўтказилди.

Тадбир ниҳоясида голиблар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мухаммаджон МАХМУДОВ Фарғона вилояти

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги 25 нафар ҳамда туман ва шаҳар кенгашларидаги 203 нафар O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари ўз ваколатларидан оқилона фойдаланиб, фаол ва ташаббускор БПТлар билан ҳамкорликда O'zLiDeP мавқеини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшяптилар.

МУЛҚДОРЛАР МАНФААТИ ҲИМОЯЛАНМОҚДА

Беход ИСРОИЛОВ,
"XXI asr" муҳбири

Бу эса партиямизга бўлган ишончни янада мустаҳкамляпти

Жорий йилнинг айна даврига вилоят ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари қонунлар ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси ҳамда электрот вакиллари мурожаатлари бўйича турли ташкилотлар мутасаддиларига 100 га яқин депутатлик сўрови йўллади. Масалан, Халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзоси Зокир Усмоновга "Бекободцемент" АЖ даги бошланғич ташкилот фаоллари томонидан "Универсал Мангубек" хусусий корхонаси раҳбарининг мурожаати етказилди. Унда қадастр ҳужжатлари расмийлаштирилишида айрим муаммоларга дуч келинаётгани маълум қилинган эди. Партиямиз вакили тегишли идораларга депутатлик сўрови йўллади. Мутасаддиларнинг айтишларича, масаланинг ижобий ҳал қилиниши кутилапти.

Шунингдек, ҳозиргача депутатлар ташаббуси билан кенгашлар мажлисларида 43 мартаба мансабдор шахслар ҳисоботи эшитилди. Хусусан, яқинда Зангиота тумани ҳокимлиги Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими мудири С. Ҳамидовнинг "Тошкент шаҳри атрофида мева-сабзавот, полиз экинлари етиштириладиган майдонларни кенгайтириш" мавзусидаги ҳисоботи тингланган ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Бундан ташқари, депутатлар сўй-ҳаракати билан хусусий сектор манфаатларига тааллуқли долзарб масалалар вилоят ва маҳаллий кенгашлар сессияларида, доимий комиссияларида атрофлича муҳокама қилинмоқда. Ана шундай тадбирларда кўрилатган масалалар юзасидан депутатларимиз ўнга яқин асосли тақлиф ва тавсия киритганликларини қайд этиш жоиз.

Бу каби аниқ мисоллар худуддаги депутатлик гуруҳлари ўз зиммасидаги вазифаларга масъулият билан ёндашиб, депутатлик ва жамоатчилик назоратини изчил олиб бораётганликларидан далolat беради. Эришилган натижаларда эса БПТларнинг ҳам катта ҳиссаси борлиги алоҳида эътиборга молик. Яъни, таянч нуқталар йиғилишларида муҳокама қилинган муҳим масалалар "қуйдан юқорига" партиявий механизми воситасида депутатлар фаолиятида ўз аксини топмоқда. Умуман олганда, худудда бошланғич партия ташкилотлари ва депутатлар ҳамкорлиги тобора са-



марали тус олаётганини таъкидлаш жоиз. Кейинги ойлarda қуйи бўгинлар фаоллари жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий бошқарув идоралари билан биргаликда жойларда 70 га яқин гоёвий-сиёсий тадбир ўтказдилар. Уларнинг аксариятига барча бўгинлардан депутатлар жалб этилганлиги, бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтган кўллаб мулоқот ва учрашувлар эса бевосита таянч тузилмалар ва депутатлар ташаббуси билан ташкил этилганлиги диққатга сазовор. Чунки, яқинда Олмалик шаҳридаги "Металлург" маданият саройида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг саноат корхоналари билан кооперацияси худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омил" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси А. Назирқуллов, Олмалик шаҳар ҳокими Б. Маннапов ҳамда вилоятдаги бир қанча бошқармалар, ташкилотлар вакиллари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, тадбиркорлар, фермерлар иштирок этди. Муҳим фикрлар илгари сурилган, ўзаро савол-жавоблар руҳида ўтган тадбир барчага манзур бўлди.

Шунинг баробарида партия электротарининг қонуний манфаатларини йифодлаш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда БПТлар депутатларини том маънодаги елкадошига, кўмакчисига айланмоқда. O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг тегишли қарор ва йўриқномалари эса фаол-

лар учун бу жабҳада дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Хусусан, Урта Чирчиқ тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида фаолият юритаётган БПТга "Dorul-xilos" МЧЖ вакиллари мурожаат этишди. Тадбиркорлар туман солиқ идораси томонидан ўтказилган текширув хулосалари асосли эканлигига шубҳа билдиришди. Амалдаги тартиб-қоидаларга кўра шикоят босқичма-босқич тарзда партия вилоят ташкилоти, депутатлар эътиборига олиб чиқилди. Уларнинг сўровлари асосида тегишли давлат органлари мазкур масала билан атрофлича шугулланишди. Пировардида туман давлат солиқ инспекциясининг хусусий корхонага нисбатан чиқарилган қарорига жиддий ўзгаришлар киритилди. Шу тариқа ишбилармоннинг бемалол фаолият юртишига имкон яратилди.

Бўка туманидаги "Азаматов" ҚФЙ худудида жойлашган фермер ҳўжалиқларини ёқилги-мойлаш материаллари билан таъминлаш учун янги АЕҚШ барпо этиш масаласи туман Фермерлар кенгашидаги БПТда атрофлича муҳокама қилинди. Масала юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилди. Пировардида АЕҚШ қурилиши кейинги йилга режалаштирилди. Шунингдек, бошқа ўнлаб хусусий субъектлар ҳам партиямиз сайловлар арафасида белгилаган режаларини бажаришга астойдил киришганига ишонч ҳосил қилдилар.

Эътиборлиси, ушбу йилда айнан бошланғич ташкилотлар томонидан кўтарилган масалалар бўйича 23 та депутатлик сўрови жўнатилди, 7 нафар

мансабдор шахс ҳисоботи эшитилди.

Лекин, партия худудий ташкилоти йиғилишларида қайта-қайта таъкидланганидек, бугунги кунда вилоятдаги 768 та БПТ 43 мингдан ортиқ партия аъзосини жипслаштириб тургани инobatга олинса, тилга олинган рақамларнинг мавжуд имкониятлар даражасида эмаслиги, масалага янада жиддийроқ ёндашиш зарурлиги ойдинлашяпти. Зеро, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш, электрот манфаатларини ҳимоялашга дахлдор тақлиф ҳамда таҳлилий материаллар мониторингини олиб бориш ва бошқа йўналишлар борасида ҳам қуйи ташкилотларнинг депутатлар билан ҳамкорлигини ҳали-ҳануз мукамал, деб бўлмайти.

Қолаверса, қарийб 2,8 млн. аҳоли ишаётган вилоятда 10 мингдан ортиқ фермер ҳўжалиги ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётганлиги ва уларнинг сони йил сайин ортиб бораётганлиги ҳам БПТ ва депутат ҳамкорлигини бутунлай янги босқичга олиб чиқилиши, бу борадаги ишлар кучайтирилишини тақозо қилаётир.

– Айниқса, Ангрэн, Олмалик, Юқори Чирчиқ, Чиноз, Бўстонлиқ туманларидаги аксарият БПТлар депутатлар ва электрот вакиллари билан ҳамкорликда халқимизнинг партияга нисбатан ишончини янада юксалтиришга хизмат қиладиган кўллаб хайрли ишларни амалга оширмоқда, – дейди партия вилоят кенгаши Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Равшан Ҳозиев. – Аммо айрим маҳаллий партия ташкилотлари таркибидagi БПТлар фаолиятини қониқарли, дейиш қийин. Хусусан, Оққўрган, Янгийўл туманларидаги таянч тузилмалар ўз имкониятларидан етарли даражада фойдалана олмаётдилар. O'zLiDeP салоҳияти ва электротимиз олдидаги масъулиятни кўламини инobatга олсақ, олиб борилаётган ишлар ҳали етарли эмаслигига амин бўламиз. Бундай камчиликларни бартараф этиш, жумладан, БПТлар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлигини янги сифат босқичига кўтариш жорий йил давомида эътиборимиз марказида бўлади.

БЕБАҲО НЕЪМАТ



Шу кунларда партиямиз томонидан юртимизнинг барча худудларида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган туркум тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, АТ "Алоқабанк" Урганч шаҳар филиалида тузилган янги бошланғич ташкилот фаоллари партия шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда "Тинчлик ва оёйишталик мамлакат таракқиётининг гаровидир" мавзусида семинар уюштирилди. Тадбирда сўз олганлар аҳолининг сиёсий маданияти, ҳуқуқий онгини янада ошириш, ёшларда мафқуравий иммунитетни шакллантириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш лозимлигини таъкидладилар.

Тадбир давомида "Сўқирнинг пушаймони" номли видеофильм намойиш этилди.

Шунингдек, ДТ "Халқ банки" вилоят филиалида очилган БПТда ҳам тилга олинган мавзуда мулоқот ўтказилди.

– Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик нақадар бебаҳо, улуг неъмат, – дейди O'zLiDeP Урганч шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Д. Жуманиязов. – Оёйишталик ўз-ўзидан қарор топгани йўқ. Унинг замирида Юртбошимизнинг, халқи-

мизнинг улкан меҳнати мужассам. Эътироф этиш зарурки, тинчлик барқарор бўлишига деярли барча юртдошларимиз астойдил ҳисса қўшяптилар. Бу хайрли ишдан, албатта, партиямиз ҳам четда тургани йўқ. Масалан, O'zLiDeP томонидан ёшлар учун мўлжалланган махсус лойиҳа таъсис этилган. Унинг доирасида ёшларнинг маънавий-мафқуравий иммунитетини мустаҳкамлашга йўналтирилган туркум тадбирлар, ўқув семинарлари, учрашувлар уюштириляпти. Эркин фикр алмашинув тарзида ўтган тадбирда катнашчилар мамлакатимиздаги тинчлик-оёйишталик ва барқарорлиқни асраб-авайлаш, уни мустаҳкамлаш борасида ўз муносабатларини билдиришди. Айниқса, "Бир сиким тупроқ" номли видеофильм иштирокчиларда зўр таассурот уйғотди.

Тадбирлар чоғида сиёсий куч сафига қабул қилинаётган аъзоларга партия гувоҳномалари тоширилди.

O'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши Матбуот хизмати

СОҒЛОМ АВЛОД – БАРКАМОЛ ОИЛА МЕВАСИ



Корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган сафдошларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий билиминини ошириш, уларда мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга дахлдорлик туғусини кучайтиришда бошланғич ташкилотларнинг таъсири ва роли йил сайин ортиб бораёпти. Бинобарин, O'zLiDeP Риштон туман Кенгаши ҳам жойларда қуйи бўгинларни янада кўпайтириш, уларнинг партия фаолиятидаги нуфузини янада оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Қайд этиш керакки, бугунги кунда туманда 24 та БПТ 631 нафар маслакдошимизни бирлаштириб турибди. Изчил сўй-ҳаракатлар натижасида яқинда "Амиробод" қишлоқ врачлик пунктида янги қуйи бўгинга асос солинди. Таъсис йиғилиши ўтказилиб, 15 ходимга аъзоллик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

– Янги ҳаммаслақларимизни туман кенгаши ходимлари билан биргаликда партия дастурий вазифалари билан чуқур таништириямиз, – дейди БПТ аъзоси этиб сайланган Шохид Исмоилова. – Ходимларнинг сиёсий-ҳуқуқий билиминини оширишга қаратилган катор тадбирларни режалаштирдик.

Маълумки, O'zLiDeP Сайловолди дастурида аёлларнинг оила ва жамиятдаги роли ва мавқени ошириш, уларнинг ижтимоий фаолиятини янада кучайтириш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғиб қилиш каби устувор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида янги БПТ ва "Соғлом авлод" хайрия фонди туман бўлими ҳамкорлигида "Соғлом бола – соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир" шiori остида тиббий кўрик ҳам ташкил этилди.

Тадбирда O'zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган гоё, мақсад ва вазифалар, шунингдек, O'zLiDePнинг "Соғлом оила – мустаҳкам оила" лойиҳасининг мазмун-моҳияти, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги, тиббий маданиятини янада ошириш туғусидаги маърузалар йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбир давомида бену тиббий кўрик ўтказилиб, шифокор кўригидан ўтган ва таъхис қўйилган фуқароларга дори-дармонлар тарқатилди.

– Юртимизда хотин-қизларга алоҳида эътибор ва гамҳўрлик кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган, – дейди "Амиробод" КВП мудири М. Абдулломова. – Бу мустақиллигимиз шарофатидир. Истиклол йилларида аёллар саломатлигини ҳимоялаш, уларнинг жамиятдаги мавқени ошириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Эзгу ниятлар ва ишлар йилларнинг раъсий номларида ҳам акс этди. Партиямиз "Миллатни оналар тарбиялайди", деган инсонларвар гоёга монанд фаолият юртимокда. "Соғлом оила – мустаҳкам оила" партиявий лойиҳаси ҳам бунинг амалий исботидир.

O'zLiDeP Фарғона вилояти Кенгаши Матбуот хизмати

O'zLiDePнинг асосий мақсадларидан бири – партиянинг сиёсий платформаси, яъни либерал-демократик гоё ва кадрятларни кенг омма онгига сингдириш, бу борада хар томонлама чуқур ўйланган ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш, ўз сафини кенгайтириш. Шу гоёларни ҳаётга татбиқ қилишда фидойилик кўрсатган фаолларни депутатликка номзод сифатида кўрсатиш ва сайловчилар ишончини қозонган ўз депутатлари зиммасига давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларида вакиллик вазифасини юклаш ҳамда уларнинг фаолиятини бошқариш.

O'zLiDeP Уставидан

ДИҚҚАТ, АКЦИЯ!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан 2016 йилда озиқ-овқат саноати соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида

"O'ZLIDEP ДЕПУТАТИ — ТАШАБУСКОР ФЕРМЕР ВА ТАДБИР- КОРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ"

номли 25 номинацияли акция ўтказилмоқда. Акцияда хар бир депутат 2016 йилнинг январь-август ойларида инвестиция лойиҳасини амалга оширилишига кўмаклашиш юзасидан олиб борилган фаолияти билан қатнашади.

Акциянинг голиб ва совриндор депутатлари ҳамда депутатлик гуруҳлари O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва худудий партия ташкилотларининг қимматбаҳо ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Муқофотлар Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан ташкил этиладиган тантанали байрам тадбирида топширилади.

Акция шартлари билан батафсил танишиш учун O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Бизнес тузилмалар ва фермерлар билан ишлаш бўлими ҳамда Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори (тел: 0-371 255-53-53) га мурожаат қилишингиз мумкин.

ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш туғусидаги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида O'zLiDeP Зарафшон шаҳар Кенгаши томонидан Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари раислари, партия фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида "Мустақиллик – энг олий неъмат" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

"Ўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо. Ўзбекистоним" шiori остида ўтган тадбирда "Пром Инвест" хусусий корхонасида фаолият юритаётган қуйи ташкилот раиси Б.Сунатов сўзга чиқиб, тўпланганлар эътиборини мустақиллик шарофати билан қўлга киритилган мислсиз ютуқларга қаратди.

Бобур БУРАНОВ,
O'zLiDeP Навоий вилоят Кенгаши БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари

Реклама ўрнида

“Qishloq Qurilish Bank” Эл фаровонлиги йўлида

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, жумладан, реал секторни молиявий қўллаб-қувватлаш энг долзарб вазифалардан бири. Бу йўналишда банк-молия муассасаларининг иштироки кенгайиб бораётганлиги қувонарли, албатта. Фикримиз исботи учун акциядорлик тижорат “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Навоий минтақавий филиали фаолиятига тўхталамиз. Шу ўринда таъкидлаш жоиз: йўналтирилаётган кредит маблағлари асосан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, халқимизнинг турмуш маданияти ва фаровонлигини юксалтириш, аҳоли ўртасида бандлик даражасини оширишга хизмат қилаётди. Давр, замон эса янгидан-янги талабларни кун тартибига қўймоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар бир йилга алоҳида ном берилиб, шу асосда қабул қилинаётган Давлат дастурлари замирида улкан маъно-мазмун ётибди. Бундай халқчил дастурлар ижросини таъминлаш эса банк-молия муассасалари фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. АТ “Қишлоқ қурилиш банк”и ана шундай талаб-эҳтиёжлардан келиб чиқиб, зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, 2016 йил 1 июнь ҳолатига “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун филиалнинг ўз маблағлари ҳисобидан жами 17 млрд. 267 млн. 100 минг сўмдан ошқ сармоя ажратилди. Ижтимоий фаол ёшларга ўз бизнесини йўлга қўйиш учун берилган микрокредитлар

эса жами 2 млрд. 507 млн. 100 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Жамиятимизнинг асосий бўғини саналмиш оила фаровонлигини таъминлаш, айниқса, ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг уй-жой, рўзғор ва маиший техникаларга бўлган эҳтиёжини қондириш бугун ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этаёпти. Бугунгача 20 та ёш оилага 1 млрд. 506 млн. сўм миқдорида кредит сармояси ажратилганлиги ҳам айни соҳада изчил иш олиб борилаётганидан далолат беради.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони тадбиркор аёлларнинг ижтимоий мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу каби эзгу мақсадлар учун ҳозиргача 1 млрд. 293 млн. 700 минг сўм кредит ажратилди. Иқтидорли ёшларнинг истиқболли лойиҳаларини ўз вақтида молиялаштириш ҳам кун тартибида турган асосий масалалардан бири ҳисобланади. Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига филиал томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларига 724.2 млн. сўм кредит ажратилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Вилятда замонавий технологияларни амалиётга жорий этиш, хизматлар бозорини ривожлантириш тобора кенг қўлам касб этмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида ушбу соҳаларга 6991,6 млн. сўм миқдорида кредит сармояси йўналтирилди.

Бир сўз билан айтганда, вилятда мазкур банк филиалнинг молиявий ўрни мустақамланиб, хизмат доираси тобора кенгайиб бормоқда. Мижозларнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган фикр-мулоҳазалари ҳам буни тасдиқлаб турибди.



Ўктам
ЁРҚУЛОВ,

Кармана туманидаги
“Қурувчи” МЧЖ раҳбари:

– Корхонамиз ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Навоий филиали ёрдами билан тез орада ўз мижозларимизга эга бўлдик. Эндиликда ойига 20-22 минг дона шлакоблок ишлаб чиқарилиб, уй-жой қу-

рилиши ва бошқа ижтимоий муҳим объектларга етказиб берилмоқда.

2016 йил бошида “Қишлоқ қурилиш банк” минтақавий филиалига ёрдам сўраб мурожаат қилганимизда 50 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Натижада корхонада 4 та янги иш ўрни яратдик. Меҳнат самарадорлиги ҳам ошди. Яқин орада фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчимиз. Ўйлайманки, бу борада ҳам банк ўз беминнат ёрдамини аямайди.

Маъруф
ҚАЙИМОВ,

Навоий шаҳридаги
“Навқирон Нозанин”
оилавий корхонаси раҳбари:

– Бугун юртимизда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш учун барча имкониятлар яратилган. Биз ҳам бундан руҳланиб, пайпоқ тўқишга ихтисослашган оилавий корхона ташкил этгандик. Натижада бир нечта иш ўрни яратилди. Ҳозирда ўртача ойига 576 жуфт пайпоқ тўқиб, савдо ташкилотларига етказиб бераёلمиз.

Эътиборли жиҳати, фаолиятимизни йўлга қўйишда “Қишлоқ қурилиш банк” Навоий минтақавий филиалнинг ёрдами катта бўлди. Банкдан олинган 39 млн. сўм имтиёзли кредит эвазига 4 та янги иш ўрни яратилди. Келажакдаги режаларимиз янада катта. Жумла-

дан, маҳсулот турларини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш қувватини оширишни мақсад қилганмиз.

Дарҳақиқат, соҳада анъанавий хизмат турлари билан бирга ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Зеро, мижозлар эндиликда банкка вақтинчи кетказмасдан туриб, “Банк-мижоз”, “мобил-банкнинг” тармоқлари орқали реал вақт режимида ўз банк ҳисобварақлари бўйича амалиётларни бажариш имконига эга бўлишган. Бу эса пировард натижада маблағларнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун кенг йўл очиб, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётганлиги шак-шубҳасиз.

“Қишлоқ қурилиш банк”
материаллари асосида
Носир ТОШЕВ ва
Мусурмон РЎЗИЕВ
тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган

БУХОРО ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ ЖАМОАСИ

Реклама

МАТБУОТ ФИДОЙИЛАРИ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
ХОДИМЛАРИНИ – 27 ИЮНЬ КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНАДИГАН КАСБ
БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.
ОИЛАНГИЗГА ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК, ТУРМУШИНГИЗГА
ФАЙЗУ БАРАКА, ИЖОДИЙ ИШЛАРИНГИЗДА
МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ.



Хизматлар лицензияланган

Ғалла сифати – доимий эътиборда

Айни кунларда юртимиз далаларида ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ғалла йиғим-терими авж паллада. Уни ўз вақтида, нобуд қилмасдан йиғиб, баракали хирмон яратиш фермер хўжаликлари аъзоларининг кундалик юмушига айланган. Барча ҳудудларда топшириладиган ҳосил сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Президентимизнинг жорий йил 12 майдаги “2016 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиб-териб олишнинг ташкилий чоралари тўғрисида”ги Қароридан мутасадди идоралар, шу жумладан, “Ўзстандарт” агентлиги томонидан ҳам ғалланинг сифати устидан доимий назорат ўрнатилиши белгиланган. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Бекобод синов ва сертификатлаштириш маркази Давлат корхонаси жамоаси қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Тошкент вилоятининг Беко-

бод, Бўка, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ туманлари дон қабул қилиш шохобчаларида деҳқонларимизнинг ҳалол меҳнати маҳсули бўлган ғалланинг сифатини мунтазам назорат қилиш ва фермерларимиз томонидан етиштирилган бошоқли дон экинлари маҳсулотларини сертификатлаштиришда бир қанча қулайликлар яратилганлиги эътиборга лойиқ. Улар марказ қошидаги озик-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари синов лабораторияси ходимлари билан ҳамкорликда фаолият юритиб, давлат эҳтиёжлари учун

топширилган ғалланинг сертификатлаштириш ишларини ўша жойнинг ўзида амалга оширмоқдалар. Натижада етиштирилган ҳосилнинг сифати хавфсизлигини тасдиқловчи мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилмоқда.

Қобилхўжа УМАРХЎЖАЕВ,
Бекобод синов ва сертификатлаштириш маркази
Давлат корхонаси
сертификатлаштириш идораси етакчи мутахассиси

Ватанимизда ишлаб чиқариладиган ёки импорт қилинадиган маҳсулотлар сифати халқаро талаблар даражасида баҳолашда “Ўзстандарт” агентлиги тизимидаги Республика синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси ва унинг ҳудудий марказлари фаолияти алоҳида ўрин тутди. Хусусан, 44 йиллик таърифага эга Чирчиқ синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонасининг фаолияти диққатга молик.

Бугун республикамизнинг қай бир ғушасида бўлманг, истиқлол шарофати ила қад ростлаган кўркам ва хашаматли бинолар, хизмат кўрсатиш иншоотлари, савдо дўконларига кўзингиз тушади. Дўконлар пештахталарида турли хилдаги бир-биридан сифатли, бежирим истеъмол товарлари ёки юзлаб турдаги озик-овқат маҳсулотларини кўриб кўзлар қувнади. Чунки уларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб

доимо назорат қилаётир. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида “Максам-Чирчиқ” корхонасига интеграллашган сифат тизими жорий қилиниб, ISO 14001 ҳамда OHSAS 18001 халқаро стандарт талабларига мувофиқ сертификатлаштирилди. Бу эса корхонанинг ташқи бозорлар учун рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имкони-

Реклама ўрнида

ўтказишмоқда. Айниқса, марказнинг аккредитланган синов лабораторияси ҳамда метрология бўлимида қўлланиладиган маънан эскирган синов ва ўлчов воситаларини босқичма-босқич янгилаш ҳамда уларнинг ўрнига замонавий ускуналар харид қилинадигани маҳсулотлар синовини ўтказиш мuddатларини нисбатан камайитириш билан бирга, хизмат таннархини арзонлаштиряпти.

Бу ишларнинг истеъмолчи талабига мос йўсинда бажарилиши, албатта, малакали мутахассислар меҳнатига боғлиқ. Марказимизда эндигина ишга қабул қилинган ёшларни соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган

Масъулият ва сифат

чиқарилган-да! Маҳсулотлар ёрлиғига бир назар солинг-а! Унда Ўзбекистонимизнинг муайян манзили кўрсатилиб, маҳсулот турғисиди маълумотлар дунёнинг турли тилларида битилган. Кейинги пайтда бозорларимизга четдан кириб келаётган саноат, озик-овқат маҳсулотларининг ҳажми анча қисқариб, айни пайтда уддабурон ишбилармонларимиз хорижа турли маҳсулотларни экспорт қилишяпти.

Чирчиқ синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси мутахассислари ички истеъмол бозорини сифатсиз маҳсулотлардан химоялашни ўзларининг бош мақсади деб билади. Марказимиз Чирчиқ шаҳри, Юқори Чирчиқ, Қибрай, Бўстонлик, Паркент туманларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари ва йирик саноат корхоналарига, шунингдек, аҳолига мунтазам хизмат кўрсатмоқда. Ташкилотимизда барча турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идораси фаолият юритиб келмоқда. Марказ ҳудудда жойлашган йирик корхоналар, жумладан, “Максам-Чирчиқ” АЖ, “Ўзбекимемаш” АЖ, “ЎзКТЖМ” АЖ каби маҳаллий ҳамда қўшма корхоналарда ишлаб чиқариладиган ва кўпга хорижий давлатларга экспорт қилинадиган маҳсулотлар сифатини

ни кенгайтирди. Марказимиздаги “Сифат менежменти тизимларини жорий этиш бўлими” ва “Сифат тизимларини сертификатлаштириш идораси” товарлар сифати, уларнинг жаҳонда тан олинishi борасида ишчи олиб бораётдилар. Бугунгача уларнинг беvosита ёрдами билан 50 та корхонада сифатни бошқариш тизими жорий этилди. Бўлим мутахассислари Сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни мувофиқлаштириш бўйича маҳсул ишчи гуруҳ йиғилиши баёни ижросини таъминлаш мақсадида вилоятдаги 19 та корхонада, хусусан, 2016 йилда 21 та корхонада сифат тизимини жорий этиш бўйича иш юритишмоқда. Тизимнинг афзалликларини тўғрисида тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган семинарлар, учрашулар, тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида унга қизиқиш ортиб бораёпти.

Марказнинг сертификатлаштириш идораси аккредитация қўламини тобора кенгайтиряпти. “Ўлчаш воситалари устидан давлат метрологик назорати” бўлими мутахассислари эса Чирчиқ шаҳри ва вилоятимиздаги қатор ташкилотлар, корхоналар, тадбиркорлар ҳамда аҳоли хонадонларидаги ўлчаш воситалари устидан қиёслаш ишларини сифатли

тажрибали ходимларга бириктириш орқали турли йўналишлар бўйича етук мутахассислар тайёрлашга катта аҳамият қаратилмоқда. “Ўзстандарт” агентлигининг марказий аппаратида, “Республика синов ва сертификатлаштириш маркази” Давлат корхонаси бўлимида улар ўз касб малакаларини ошириб борадилар, инспекция назорати ҳамда ички аудит текширувларига жалб этиладилар. Ҳозирда марказимизда 11 та эксперт-аудитор ва 3 та эксперт-аудиторликка номзод ходимлар фаолият кўрсатаётган бўлишса, яқин 2-3 йил ичида уларнинг сони янада ортади. Бу, аввало, хизмат савиясини янада ошириш, дунё таърибасини кенг жорий этиш ва асосийси, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, истеъмолчиларга сифатли, хавфсиз маҳсулот ва хизматларни тақдим этиш бугуннинг долзарб масаласи экан, марказимиз мутахассислари зиммаларидаги масъулиятни теран ҳис қилган ҳолда фаолият юритишяпти.

Даврон АТАБЕКОВ,
Чирчиқ синов ва сертификатлаштириш маркази Давлат корхонаси директори

Хизматлар лицензияланган

“REM STROY DOR KOMPLEKT”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Истиқлол солномасини битишда жонбозлик кўрсатаётган фидойи журналистлар, жонкуяр ношир ва матбаачиларни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан муборакбод этади!

Машаққатли ва шарафли ишингизда Сизларга жўшқин илҳом ва улкан зафарлар тилаймиз!

27 ИЮНЬ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни



Хизматлар лицензияланган

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЛИҚАЛЪА ТУМАНИДАГИ “GLOBAL-NATIONAL – TEX”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан барча журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси вакиллари чин дилдан қутлайди.

Байрамингиз муборак бўлсин!



Хизматлар лицензияланган

Иқлим ўзгаришлари сабаби нимада?

Барчани қишнинг иссиқ ва қуруқ келганлиги ташвишга солган эди. Халқ орасида "Агар шу кетишда бўлса, бир йилда уч фасл бўлади, қиш фасли умуман бўлмайди", деган миш-мишлар тарқалган. Кексалар қорнинг ёғмаслиги ҳосилнинг камайишига, ёз мавсумида қурғоқчилик бўлишига олиб келади, деган хавотирда эди. Об-ҳаводаги бундай ўзгаришларга нималар сабаб бўляпти?

Ҳароратнинг кескин иссиқ қуёш қобиғидаги қора доғлар, яъни магнит майдонлари кўпайиши сабабидир. Саноат ривожланиши оқибатида атмосферага чиқаётган углеводород газлари ҳам бу ҳодисани келтириб чиқаради. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар йили атмосферага 100 миллион тоннадан ортиқ углеводород газлари чиқарилади экан. Шунинг 74 фоизи ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Урмон ёнғинлари оқибатида эса 50 фоиз карбонат кислотаси атмосферага чиқади. Ҳавога кўтарилган тунун фазонинг юқори қатламида куйинди зарраларини кўпайтиради. Оқибатда қуёшдан келаётган иссиқлик энергияси қайтадан коинотга ёйилиш ўрнига, ернинг ўзида қолиб, "иссиқхона эффе́кти" ни келтириб чиқаради. Табиатда мувозанат бузилиши натижасида табиий офатлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Айрим минтақаларда ёнғинчилик одатдагидан анча кўп бўлса, бошқа ҳудудларда қурғоқчилик авж олаяпти. Жаҳон метеорология ташкилоти раҳбари Мишел Жарроннинг фикрича, "Сайёрамизда ўртача ҳарорат 7 даражага кўтарилса, Ер юзи худудининг тенг ярми ҳаёт учун яроқсиз ҳолатга келади. Чунки айрим унумдор ерлар чўланишига юз тўтас, айримлари сув остида қолади". Бу эса ҳайвонот ва наботот оламининг заволга юз тутишига сабаб бўлади. Бутун дунёни хавотирга солаётган иқлим ўзгаришининг оқибатлари Европада яққол сезилмоқда. Масалан, баҳорда ёққан тиним-



сиз ёмғир келтириб чиқарган тошқинлар бир неча шаҳарни вайрон қилди. Май ойида ҳаво ҳарорати сўнгги 250 йилдаги энг юқори кўрсаткичга чиқди. Бунинг оқибатида Италия ва Швейцариядаги музликлар майдони кескин қисқара бошлади, шу билан бирга тоғларда ўпирилишлар, дарё ўзанларининг ўзгариши, ландшафтларнинг бузилиши рўй бермоқда. Осиёда ҳам иқлим ўзгаришининг белгилари кўзатилади. Июль-август ойларида Бангладеш ва Покистонда ёққан тинимсиз ёмғир оқибатида миллионлаб одамлар бошпанасиз қолди. Далаларнинг унумдор қатламини сув ювиб кетганлиги сабабли анча йил ҳосилдорлик даражаси паст бўлди.

Жаҳон ҳамжамияти глобал иссиқга қарши қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. 1997 йили сайёрамизда "иқлим ўзгаришининг олдини олиш" га қаратилган

ИНСОН ВА ТАБИАТ

ҳамкорлик натижасида "Киото далолатномаси" имзоланди. 2005 йилдан кучга кирган бу ҳужжат атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини босқичма-босқич камайтириб боришни кўзда тутди. Лекин бу муаммога қарши курашиш осон эмас. Чунки зарарли газларни камайтириш учун уларни чиқараётган саноат корхоналари фаолиятини тўхтатишга тўғри келади. Бу эса даромаддан воз кечиш, ишсизлик муаммосини кучайтириш, демакдир. Шу боис, қатор давлатлар "Киото далолатнома"си талабларини бажариш масаласига совуқонлик билан қармоқда. Аммо сайёрамизда табиий мувозанатни тиклаш борасидаги ишлар тўхтаб қолгани йўқ. БМТ ташаббуси билан Мексиканинг Канкун шаҳрида глобал иссиқ муаммоларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 193 давлатдан 25 минг вакил қатнашди. Анжуман қатнашчилари барча давлатларни, биринчи навбатида, ривожланган мамлакатларни табиий мувозанатни тиклаш йўлида сарф-ҳаражатлардан чекинмасликка даъват қилди. Глобал иссиқ баҳонасида кўлаб савдо фирмалари яхшигина даромад олмоқда. Масалан: одамлар иссиқдан химояланиш учун дезодорант, крем, музлаткичлар, кондиционерлар харид қилишади. Бу нарсаларга талаб ошиши билан бирга озон қатламини емирувчи воситалар ҳам кўпайиб боради. Муаммони бартараф этиш учун саноат корхоналари имкон борича кам чиқинди чиқариши лозим. Шунда табиат камроқ ифлосланади. Табиат бу тириклик демакдир. Унинг мувозанати бузилса борлиқни йўқликка айлантириш мумкин. У исталган пайтда ўз кудратини кўрсата оладиган куч. Шунинг учун ҳар бир инсон унинг қонуниятларига бўйсунishi, табиатни асраб-авайлаши даркор.

Меҳрангиз ҒАНИЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

ҲАЁТ АҚИҚАТЛАРИ

Фармон ТОШЕВ,
ёзувчи, публицист

Ноёб нарсалар доимо қобик ичиди бўлади. Масалан, кўз қорачиғи, туйғу, тафаккур, дур...

Газета ўқимаган, телевизор кўрмаган одамни айбламаслик мумкин, лекин кинотоб мутулаа қилмагани кечириб бўлмайди.

Муроса – маданиятликки эмас, манфаатларнинг мос келиши ҳам.

Хотиранинг узок-яқини эмас, балки яхши-ёмони бўлади.

Кўнгилдан бошқа ҳамма нарсанинг сир-асрорини билиш мумкин.

Муҳаббат математикаси бор гап. Лекин унда айирув, кўпайтирув ва қўшув белгиларини ҳар ким ўзича қўллайди.

Қуёш кизариб чиқади, ботишда ҳам шундай. Негаки, у бизга юз очил учун машаққат чекади. Ва минг соғинч-у армон билан хайрлашади. Буюклиги шундаки, у бу ҳолатни миннат қилмайди: чиқаверди, ботаверди...

Ички интизом кундалик иш режасига риоя этиш эмас. У ота-онадан ўтдиган ёки муҳитда шаклландиган фазилат.

Ҳақиқат бахсда тўғилади, аммо у тафаккур ва самимиятда эътироф этилади.

Ҳамма бой бўлишни истайди, аммо ҳамма бадавлат одамни ёмон кўради. Аксинча, барча камбағалга қайишишга интилади, бироқ ҳеч ким фақир бўлишни истамайди.

Яхшиликнинг эмас, яхшиларнинг умри қисқа бўлиши мумкин.

Жамоани икки нарса инқирозга олиб келади. Биринчиси – қўпчилик билган нарсани сир сақлаш. Иккинчиси – ҳамма билиши керак бўлмаган нарсани ошкор этиш.

Учинчи одам ҳеч қачон бегонадан чиқмайди. У доимо ёнингдан юрган касдир.

Инсон кўнгилнинг кули. У ҳеч қачон ақлнинг кули бўла олмайди.

Қўл телефони технологик инқилоб бўлди. Аммо у худбинлик ва ёлғончиликнинг замонавий, янги усулига ҳам асос солди.

Кўнгилдаги туйғу, ҳаёлдаги мулоҳаза сизники, холос. Сўзга айлангандан сўнг уларга эгалик қила олмайси.

Табиат ўзига нисбатан қилган гуноҳимизни кечирмайди. Жазолаб бўлгач, авф этади, холос.

Сизни ҳамма яхши кўриши мумкин эмасдир, аммо Сиз ҳаммани яхши кўришингиз шарт.

Ўзингиз китоб ўқимай, болангизга "Нега китоб ўқимайсан?" деманг.

Давлат тадбиркорга, тадбиркор эса жамиятга хизмат қилмоғи лозим.

Ҳақиқий дехкон учун ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам юмуш етарли.

Дўстни йўқотиш уни топа олмасликдан оғирроқ изтиробдир.

Реклама

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида
Сиз қалам аҳлини самимий муборакбод этамиз.

Қалбингиздаги барча эзгу ниятларингиз амалга ошишини, ижодий ишларингизда ҳаммаша муваффақият, оилангизга эса бахт-саодат, хотиржамлик ҳамроҳ бўлишини тилаймиз

www.agrobank.uz
тел. (0-371) 203 88 88

AGROBANK

Ҳурматли юртдошлар!
“Асака” банк

яқинлашиб келаётган “Мустақиллик куни” байрами муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:
“МУСТАҚИЛЛИК – 25”

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргалликда, “Асака” банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўҳон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

“Асака” банк – сармоянгизнинг сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган